

“ХАМШИРА АМАЛИЁТИДА ГИПСЛИ БОҒЛАМЛАРИ”

Розиқов Д. А.

РШТЁИМ Фарғона филиали

Суяк-одам ва умуртқали хайвонлар скелетининг асосий қисми. Суяк бўғимлар, бойламлар, мускуллар ва ўз аро бириккан пайлар билан бирга таянч-харакатланиш системасини ташкил этади. У ёки бу хилдаги жароҳатлар олиш натижасида таянч харакатланиш системасининг нормал ишлаши издан чиқади. Буларнинг ичида энг куп учрайдигани-суяк синишлари хисобланади. Бундай ҳолатларда тиббий ёрдамни тўғри ташкил этиш ва кўрсатиш, эрта реабилитацияни бошлаш, беморнинг бир умр ногиронлигидан асраб қолади. Қадимда, тиббиётни эндигина уйғониш даврида, синишларда тананинг шу қисмини қимирлатмай даволашга тўғри келиган. Махаллий табиблар бундай ҳолатларда ёғоч тахтачалардан фойдаланишган. XIX асрнинг ўрталарига келиб, тиббиёт гипси ишлаб чиқариш йулга куйила бошлагандан сунг, травматология соҳасида революция булди десак муболаға булмайди. Травматология ва ортопедия соҳасида ёки қўшалок тан жароҳатларида фиксацияловчи боғламлар тайёрлашда гипс, желатин, нитролак, винипласт, полиамидли куймалардан фойдаланилади. Буларнинг ичида энг кенг тарқалгани бу –тиббиёт гипси. Замонавий тиббиётда эса унинг турлари янада кўпайиб, фойдаланиш учун кўп қулайликлар туғдирди. Бугунги кунга келиб улар сифат жихатидан жахон стандартлари талабларига жавоб беради. Улар хар хил ўлчамларда ишлаб чиқарилади ва шу жихатдан ишлаш учун анча қулайликлар туғдиради. Бунга мисол қилиб шиша толали гипс лангеталарни келтириш мумкин. У бир мунча мустаҳкам, ўз сифатини узок вақт сақлаб туради, гигиеник, хаво ўтказувчан ва энг асосийси бир вақтнинг ўзида бир неча жойга қўлласа бўлади (қўшалок тан жароҳатларида). Гипсли лангеталар синишларда таянч вазифасини ўтабгина қолмай, балки химоя, қолип вазифасини хам ўтайди. Бунга мисол қилиб, қўл ва оёқлар травматик шикастларида, пайлар узилишида (букувчи ёки ёзувчи пайлар шикастларида), гипс лангеталаридан химоя ва ҳолатни бир маъромда ушлаб туриш учун фойдаланилади. Мақсад қўл-оёқ ёки бармоқларга керакли позицияни бериш, қўшимча шикастланишдан химоялаш ва боғлов амалиётини бажаришга энгиллик туғдиришдан иборат.

Хўш, гипс нима узи, деган савол туғилади? Гипс-бу минерал бўлиб, кимёвий формуласи $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$. Рангсиз ва ялтироқ кристалл модда, табиатда у



бирикмалар холида учрайди ва шунга қараб ранги кулранг, саргич, оқиш ва пушти рангларда бўлади. Табиий гипсининг 20% ни сув ташкил қилади. Тиббиёт гипсини олиш учун гипс бўлақларини 120-130°C гача қиздирилади. Бунинг натижасида табиатдаги гипс ўзидаги сувни чиқариб ташлаб, тиббиёт гипсига айланади яъни $2\text{CaSO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$. Гипс ўта гигроскопик модда, бўлиб, қуруқ, яхши шамоллатилган хоналарда фанер бочкаларда ёки икки қаватли қоғоз қоғозларда сақланади. Гипс қўйиладиган хона ёруғ, унда иссиқ ва совуқ сувга мўлжалланган раковиналар, керакли жом, 120x50 см размердаги стол ва махсус ортопедик стол бўлиши шарт.

Гипсли боғламлар қўйишни узига яраша қоидалари мавжуд. Гипсли боғламни 3 киши қўяди. Хирург (травматолог), ассистент ва ёрдамчи. Гипс тўғри ўлчов олинган, камида 2 ёки 3 бўғимни қамраб олган бўлиши керак. Гипс лангеталари терига зарар етказмаслиги учун гипс четларига пахта қўйилади. Гипсда буқилган жойлар ёки синган сохалар булмаслиги, танага шикаст етказадиган даражада қисиб қўймаслиги керак. Буни текшириш мақсадида бармоқлар учи очиқ қолдирилади. Бармоқлардаги ўзгаришларга қараб хулоса қилинади. Гипс қўйилиб булингандан сунг, унинг ташқи сохасига гипс қўйилган сана, соати, синининг ҳолати қизиқиб, синган сана ёзилади ва гипс олинган сана тахминан қалам билан ёзиб қўйилади.

Гипс парваришига қўйиладиган талаблар

Хар бир хамширанинг олий вазифаси - бемор парваришидир. Бу масъулият қўпроқ патронаж хамширалар зиммасига юкланади, чунки беморга 1-тиббий ёрдам курсатганидан сўнг, маълум вақтдан ўтиб бемор касалхонадан яшаш жойига юборилади. Бундай вақтларда беморни уй шароитида парваришини патронаж хамшира уз зиммасига олади. Бу борада қўйидаги тавсияларимиз улар учун асқотса, ажаб эмас. Гипс намликни ёқтирмайди.

1-талаб: Гипс қуруқ, тоза сақланмоғи лозим.

2-талаб: гипс синиб қолишдан сақлаш керак, агар шундай ҳол юз берадиган бўлса, дарҳол мутахассисга мурожаат қилиш лозим.

3-талаб: тери бичилишларига эътибор қаратиш, терининг ранги, шишлар бор ёки йуқлигини назорат қилиш лозим.

4-талаб: Гипс бўшаб қолмаслиги керак, агар шундай ҳол юз бергудек бўлса уни гипс лангеталар билан мустаҳкамлаш мумкин.



Асоратлар. Махаллий асоратларга: тўқималарнинг махаллий эзилиши оқибатида озиқланишнинг бузилиши кузатилиб, яралар пайдо бўлиши мумкин.

Умумий асоратлар: гипсни қисиб қўйиш натижасида қон томирларда қон айланиши бузилиши мумкин, бунинг оқибатда иккиламчи тромбозлар юзага келиши ва бемор ҳолати янада оғирлашиши мумкин.

Бу хилдаги беморлар аксарият фаолиятини йўқотмаган булади. Лекин чаноксон соҳасидаги синишларда беморлар узок вақт бир жойда ётишларига тугри келади. Оқибатда ётоқ яралар пайдо бўлиши мумкин. Буни олдини олиш учун танани нам сочиқ билан артиш, ўрин жойларни озода сақлаш, букланиб қолмаслигига ахамият бериш лозим. Ўпка вентиляциясини яхшилаш учун шарлар ишириш, вибромассаж, нафас гимнастикасини бажариш мақсадга мувофиқ. Беморларнинг уст-бошлари тез-тез алмаштириб турилади. Тирноқлар олинади. Уларнинг шахсий гигиенаси, овқатланиш рационали кўпроқ эътиборни талаб этади. Уларга кўпроқ суюқлик ичиш тавсия қилинади. Овқат рационалига суюқ, енгил хазм буладиган таомлар, мевалар қўшилади. Оқсил, кальцийга бой маҳсулотлар истеъмол қилган маъқул. Беморларга руҳан тетиклаштириш мақсадида китоб ўқиш, расм чизиш каби машғулотларини тавсия қилган булардик.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Всё по уходу за больными в больнице и дома. Под общей редакцией акад. РАМН. Ю.П.Никитина, Б.П.Маштакова. Москва 1999г.
2. Хирургия. Авторы; И.Я.Гапанович. А.М.Поминов. Издательство "Высшая школа", 1987г.
3. Хирургик касалликлар ва беморларни парвариш қилиш. С. Н. Муратов. Тошкент 1995г.

